ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00506

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАР

Зухра Абдурахмановна Умарова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларида педагогик конфликтлар муаммоси таҳлил килинган ва тегишли тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Педагогика, конфликтлар, ўқувчилар, таълим, характер, тушунча.

PEDAGOGICAL CONFLICTS IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS

Zukhra Abdurahmanovna Umarova
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article analyzes the problem of pedagogical conflicts in primary school and provides relevant recommendations.

Keywords: Pedagogy, conflicts, students, education, character, understanding.

КИРИШ

Ўзбекистонда Учинчи Ренессансни барпо этиш жараёни амалга оширилмокда. Бу жараёнда ўқувчи шахсини баркамол вояга етказиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли ўқувчиларнинг баркамоллигига салбий таъсир кўрсатувчи педагогик конфликтларни тадқиқ этиш долзарб бўлиб турибди.

Педагогик конфликт - конфликтология назариясининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу масала педагогика фанлари номзоди М.Ахмедова томонидан махсус тадқиқ этилиб, унинг “Педагогик конфликтология” монографиясида ўзига хос тарзда таҳлил қилиб берилган. Бизнинг ёндашувимизда унинг таърифи қуйидагича: педагогик конфликт - бу таълим ва тарбия жараёнида таълим иштирокчилари ўртасида рўй берадиган зиддиятлар мажмуидир. Бундай ёндашувлар ҳозирги замон ўзбек педагогик тадқиқотчилигида янгидан ўрганила бошлаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00506

Таъкидлаб ўтилганидек, “конфликт” сўзи “зиддият”,“ихтилоф”, “тўқнашиш”, “келишмаслик”, “ўзаро тушунмаслик” каби маъноларига эга. Лекин, улар орасида педагогик нуқтаи назардан зиддият маъноси мақбул ҳисобланади. Чунки, зиддият тушунчасини мазкур ҳодисанинг нисбий ва ўткинчи хусусиятга эгалиги намоён бўлади. Шу жиҳатдан педагогик конфликтологиянинг ўқувчи шахсига йўналтирилган хусусияти зиддиятлар кўринишида намоён бўлади. Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

1) “зиддият” сўзи конфликт атамасининг маданий маъноси бўлиб, нисбатан ижобий хусусиятга эга;

2) зиддият- вақтинчалик ҳодиса ҳисобланади;

3) зиддиятда дағиллик ёки куч ишлатиш оттенкаси йўқ;

4) зиддият- бартараф этиш мумкин бўлган характерга эга бўлади.

Мазкур педагогик таҳлиллардан келиб чиқиб, биз “педагогик конфликт” тушунчасини таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган ва бартараф этиш омилларига эга бўлган зиддиятлар мажмуи маъносида қўллаймиз. Бунинг учун педагогик конфликт ҳодисасини умумий Конфликтология феномени таркибида текшириб, унинг кўринишлари, шакллари ва турлари ҳақида уларнинг бартараф этиш технологиясини тадқиқ этиш тақоза этилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагогик конфликтлар сиёсий, иқтисодий ва социал конфликтларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ўринда мазкур хусусиятларнинг энг муҳимларини таъкидлаб ўтамиз.

1. Таълимий характерга эгалиги. Педагогик конфликтлар энг аввало таълим ва тарбиявий характерга эга бўлиб, у айнан таълим жараёнида билим олиш, тарбияланиш ҳамда одатланиш воқелигида юзага келади. Шу сабабли педагогик конфликтлар таълим тарбия ва фаолият воқелигида юзага келадиган зиддиятлар ҳисобланади.

2. Муддатли характерда бўлиши. Педагогик конфликтлар муддатли (вақтга эга) хусусиятга эга бўлиб, улар келиб чиқиши ва оқибатлари нуқтаи назаридан нисбатан ўткинчи зиддиятлардир. Чунки уларнинг пайдо бўлишида ички ва ташқи омиллар, замон ва макон таъсирлари бўлади. Шу жиҳатдан педагогик конфликтлар муайян кўринишлар, шакллар ва турларга хос тарзда юзага келади, вақт ва макон таъсирида улар сусайиши ёки кўпайиши мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00506

3. Шахслар ўртасида келиши. Педагогик конфликтлар таълим иштирокчилари - ўқувчи ва ўқитувчи (мураббий), ўқувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ота-она, ўқувчи ва мактаб жамоаси ўртасида кечадиган зиддиятлардир. Шу жиҳатдан бу ҳодиса аниқ объектларга эга бўлиб, унинг кўлами ва оқибатлари шахсларга боғлиқ бўлади.

4. Бартараф этиш омилига эгалиги. Педагогик конфликтлар таълимий, муддатли, шахслар ўртасида келиш хусусиятларига эгалиги билан бартараф этиш фактори мавжуд бўлади. Чунки педагогик конфликтларда зўравонлик, куч ишлатиш ёки таҳдид хусусиятлари бўлмайди, аксинча, уларда ўқиш, ўрганиш, ўзлаштириш ва кўникиш хусусиятлари бўлганлиги учун бартараф этиш имкониятлари мавжуд.

Зеро, педагогик конфликтлар ана шундай ўзига хос хусусиятларига эгалиги билан сиёсий, иқтисодий, социал, ғоявий зиддиятлардан фарқланади. Бунда яна қуйидаги ўқитиш жараёнига оид педагогик низоларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Ўқув жараёнида низо — бу ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида муайян масалаларни ҳал қилишда томонларнинг бир-бири билан бир ечимга кела олмаганлиги туфайли вужудга келадиган вазият.

Таълим жараёнидаги низолар ҳар қандай кишилар кайфиятига салбий таъсир қилади ва уларнинг билим олиш қобилиятини, истак-хохишини пасайтиради, гуруҳдаги "руҳий иқлим”ни ёмонлаштиради, ўқувчилар қўнимсизлигини кўпайтиради. Шунинг учун бу масалаларга доимо эътибор бериш, таълим олаётган гуруҳларни бошқаришни, ўқувчилар турғунлигини таъминловчи шартлардан биридир. Ўқитувчи ҳар бир аниқ вазиятнинг тагига адолат ва объективлик билан етиши, тегишли хулосалар чиқариши керак.

Педагогик – психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, "руҳий иқлим" яхши бўлган,интизомли бўлган жойда фақат билим олиш юқори эмас, балки педагогик низолар ҳам анчагина кам, ўқувчиларнинг ўз билимидан катта қониқиш олаётгани кўзга ташланиб туради.

НАТИЖАЛАР

Таълим жараёнида низоли вазиятлар турли сабабларга кўра вужудга келиши мумкин.Улардан:

-таълимни ташкил қилишдаги камчиликларни;

-рағбатлантиришнинг такомиллаштирилмагани;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00506

-ёмон таълим шароитларини;

-таълим тўғрисидаги қонунларни бузишни;

-ўқитувчи савиясининг пастлиги;

-ўзаро муносабатлар маданиятининг қониқарсизлиги ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Педагогик низоларнинг, асосан, уч тури учраб туради: Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги низо бир ўқувчининг ўзига бир-бирига зид топшириқлар берилиб, ўқитувчининг талаби бир-бирига мос келмай, ўқувчи бундай ҳолда нима қилишини билмай хуноб бўлган ҳолларда вужудга келади. Масалан, таълим муассасасида ўқитувчи ўқувчига вазифа бериб, вазифани бажарилишини ўқитувчи талаб қилди, дейлик. Кейинроқ эса ўқитувчи ўқувчидан бу вазифаларга ниҳоятда кўп вақт сарфлагани ва натижада, қолган вазифаларга тайёрланмаганидан шикоят қилса, бундай талаб олдинги талабга зид бўлиб чиқади. Оқибатда ўқувчи нима қилишни билмай хуноби ошади.

Ўқитувчи ва гуруҳ ўртасидаги низо кўп ҳолларда уларнинг у ёки бу масалага бўлган нуқтаи назарларининг мос тушмаслиги, Ўқитувчи гуруҳлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, гуруҳлар билан ўқитувчи ўртасида эса таълим олиш шароитининг қониқарсизлиги кабилар юзасидан вужудга келиши мумкин. Энг яхши ўқувчига икки номзод қўйилганда ҳам шу турдаги низолар келиб чиқиш ҳоллари бўлади. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги низо ҳаётда кенг тарқалган низолар. Бундай низолар таълим олиш жараёнида қуйидагича бўлиши мумкин, масалан:

- айрим ўқувчилар вазифани бажармасликлари;
- мунтазам равишда бесабаб дарс қолдиришлар;
- дарсларда интизом сақламай ўқитувчиг асабига тегишлари;
- ўқитувчининг бир ўқувчини бошқа ўқувчидан устун қўйиши ва ҳоказо.

Ёш ўқитувчининг гуруҳ билан тўқнашуви ҳам ўқитувчи ва гуруҳ ўртасидаги келишмовчилик оқибатида бўлади. Ўқув жараёнида ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабати икки таркибий доирада:формал (ёки расмий) ва ноформал (ёки норасмий) доирада амалга ошади.

Ҳар иккала ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабатлар доимо бир-бирига таъсир қилиб, шу жараёнда низоли ҳолатлар ҳам вужудга келиб туради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00506

Мавхумлигига қараб, педагогик низолар очиқ ёки ёпиқ кўринишда бўлиши мумкин.

Очиқ низолар одатда ўқитувчи ва ўқувчининг кўз олдида, тўғридан-тўғри вужудга келади.Улар тўқнашиш содир бўлгунга қадар тўлиқ этилган бўлади. Бундай низолар раҳбарият назорати остида турганлиги сабабли таълим жараёни учун унчалик хавф туғдирмайди ва уларни бошқариш осон кечади.

Ёпиқ низолар ўта хавфлидир. Бундай низоларни аста-секин белгиланган фурсатда портлайдиган минага ўхшатса бўлади. Агар низо ҳали "етилмаган" ёки уларни бошқалар нигоҳидан яширилса, бошқача қилиб айтганда, низо ўқитувчи ва ўқувчи "ичида "бўлса, билингки, бу ниҳоят хавфли ва уни бошқариш жуда қийин. Ёпиқ низолар кўпинча, фитна, иғво, ҳийла-найранг, фисқ-фасод шаклида ривожланиш оқибатида вужудга келади. Улар орага фитна солиш,бузғунчиликка қаратилган бўлиб, ёлғон-яшиқ, уйдирма, бўҳтон гаплар ўқувчилар учун асосий қурол вазифасини бажаради.

МУҲОКАМА

Характерига қараб, педагогик низолар объектив ёки субъектив низоларга бўлинади.


Объектив низоларга таълимнинг ривожланиш жараёнида юзага чиқадиган реал камчиликлар ва муаммолар билан боғлиқ низолар киради.

Субъектив низоларга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг у ёки бу воқеликка бўлган шахсий фикрларининг турличалиги оқибатида вужудга келадиган низолар киради. Шундай қилиб ҳар қандай маҳоратли ўқитувчи жамоадаги низолардан узоқ бўлишга ҳаракат қилиши лозим.Ўзаро муносабатлар фақат яхшиликка йўналтирилган бўлиши керак.

Эслатиб ўтиш жоизки, ўқувчи ва ўзгалар орасидаги конфликтлар зиддият характерига, ўқитиш жараёнидаги конфликтлар эса низо характерига эга бўлади. Бунда зиддият ва низоларнинг мажмуи педагогик конфликтлар омилларини ўтайди. Шу сабабли бизнинг ёндашувимизда, педагогик конфликтлар кенг қамровли тусга эга бўлади.

Шундай қилиб педагогик конфликт ҳодисаси мазмуни қуйидагича идрок этилади (чизма):

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00506



ХУЛОСА

Ҳаммамизга маълумки, сўнгги вақтларда замонавий жамиятлардаги инсонга бўлган турли илмий-техник, маънавий,иқтисодий таъсирларнинг ҳаддан зиёд ортиб бориши, замонавий жамиятларда яшаш тарзининг мураккаблик томон ортиб бораётганлиги одамлар тўқнаш келиши мумкин бўлган турли конфликтли вазиятларни ҳам оширмоқда.Шундай экан, низо(конфликт)лар инсон ҳаётининг ажралмас таркибий қисми бўлар экан, конфликтларни тан олмасликнинг,уларни инобатга олмасликнинг иложиси йўқ. Фақат низоларни бошқариш, уларнинг ечимини топишга ўрганиш лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларида учрайдиган педагоогик конфликтларнинг хусусиятларини тадқиқ этиш ва бу муаммонинг ечимини топиш асосий вазифалардан бўлиб турибди. Айни пайтда, педагогик конфликтларнинг бошқа ҳодисаларга нисбатан лояллиги мазкур муаммони ҳал этишнинг дидактик имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00506

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сўзлаган Мурожаат нутқи.// “Янги Ўзбекистон” газетаси 2020 йил 1 октябрь сони.
2. Ахмедова М. Педагогик конфликтлар. –Т.,2017.
3. Педагогик атамалар лугати. Р.Жўраев ва бошқ. –Т.,2012.
4. Tojiboeva, G. R., & Pulatova, D. T. (2020). Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 209-215.
5. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
6. 11. Жабборова, О. Н., & Умарова, З. А. (2021). “ТАРБИЯ” ФАНИНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 582-587.
7. Жабборова, О. М., & Чимпулатова, Ч. Д. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА “ТАРБИЯ” ФАНИНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИЛИШИ. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 562-566.
8. Жабборова, О. М., & Тошпулатова, Д. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(2), 575-582.
Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(2), 556-562..
9. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch’s Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
10. Fariddun Izatulloyevich Ochilov, “Atrofimizdagi olam” va “Tabiatshunoslik” darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.